

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ “Корхона” электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Корхона”га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни қоплатиш талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунини бўйича юқори танкилотга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.2. “Истеъмолчи” қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимга риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақлаишини, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳафсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиишини таъминлаш, “Корхона”га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Корхона” ва “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда “Корхона”нинг тегишли вакилига ҳисоблагичларни кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун “Корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, мақсулот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб “Истеъмолчи”ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган “Истеъмолчи”:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юқламали давларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юқламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва “Корхона”нинг талабига кўра хабар қилиши шарт.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;